

МУЗЕЙ НИМА ВА У НИМА УЧУН КЕРАК?

Қаршиев Хикматилла Қувватович

“Термиз” музей кўриқхонаси

илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7788079>

Аннотация: Музейнинг энг катта вазифаси тарбия ва билим манбаидир. Бундан ташқари, музей илмий, тарихий, эстетик бойлик ва узундан-узоқ ўтмиш моддий ҳамда маънавий ёдгорликлар омбори ҳам ҳисобланади. Ушбу мақолада музейлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида қисқача сўз юритилган ва саволга жавоб берилган.

Калит сўзлар: Музей, Искандария, “Муσειон”, Лорензо де Медичи, рус музейшунослиги, МДХ давлатлари бўйича таҳлил, Музейлар ижтимоий функциялари.

Музей сўзи –юнонча –Museum, яъни “Муза уйи” деган сўздан олинган. Қадимги юнон мифологиясига кўра, музалар инсонга ажойиб ғоялар берувчи, илҳом уйғотувчи илоҳалар ёки маъбудлар фарзандлари. Буни бизда ўзимизнинг тилда “илҳом париси” ҳам дейиш мумкин. Музейлар тарихи жуда узоқларга бориб тақалади. Замонавий маънода музейлар маданий ёдгорликларни ўрганувчи ва сақлайдиган, шунингдек, таълим мақсадларидаги муассасалардир. Дастлаб музей сўзи коллекция деган маънони англатарди, аммо вақт ўтиши билан бу тушунча экспонатлар жойлашган уйлар ва биноларни назарда тута бошлади. Замонавий музейнинг биринчи прототипи милoddан аввалги 290 йилда Искандарияда “Муσειон” номи билан ташкил этилган. Бу бинода жуда кўп сонли хоналар бўлган, улардан бирида машҳур Искандария кутубхонаси мавжуд бўлиб, у бизнинг давримизга қадар сақланиб қолмаган. Шунингдек, ўқув заллари, овқатланиш ва бошқа хоналар мавжуд эди. Аста-секин бино кенгайтирилиб, янги экспонатлар, масалан, ўқитиш учун кўرғазмалар қўлланма сифатида ишлатилган. Қадимги Юнонистонда урушлар пайтида бошқа халқлардан тортиб олинган санъат ва маданият буюмлари масалан, ҳайкаллар ва бошқа санъат асарлари жойлашган хоналар ҳам мавжуд эди. Ўрта асрларда ибодатхоналар ва монастирларга санъат асарлари (заргарлик буюмлари, қўлёмалар) тақдим этилган. Бу вақтда уруш пайтида қўлга киритилган экспонатлар айтиш мумкинки, бошқа харажатлар учун тўлов сифатида хизмат қилган.

15-асрда Лорензо де Медичи (дунёга машҳур оила) ҳайкаллар боғини яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Айнан шу асрларда узун йўлакли бинолар қуриш, уларга расм ва ҳайкаллар қўйиш урфга айланди. Вақт ўтиши билан анъана ўз кучини йўқотди ва “шкафлар” деб аталадиган нарсалар - санъат асарларини жойлаштириш учун махсус мўлжалланган хоналар яратила бошланди. У Италияда, кейин Германияда ва кейин бутун Европада жуда тез тарқалди.

Шкафлар билан бир қаторда Германияда ғайриоддий нарсалар тўпламлари (Wunderkammer) яратилган.

Ҳар қандай замонавий музей шахсий коллекция асосида яратилган. Кўплаб таниқли одамлар ўз коллекцияларини уни кенгайтириш, бойитиш ва оммага намойиш этиш учун совға қилишган. Бундай ҳомийлар кўпинча санъат асарлари тўпламига ҳомийлик қилишди ва шу билан музейлар яратишга ёрдам беришди. Кўплаб кичик коллекциялар каттароқларига бирлаштирилди ва замонавий музейлар яратилди. Биринчи замонавий музей 1753 йилда очилган Лондондаги Британия музейидир. Унга

ташриф буюриш учун ёзма рухсат олиш керак эди. Аммо биринчи жамоат музейи 1793 йилда очилган Лувр музейи эди.

Бизнинг диёримизда ёки тарихимизда музейлар бўлмаган. Лекин бу воқелик бизда ҳеч нарса бўлмаганлигини англамайди. Бизнинг тарихимизда кутубхона қуриш ва китоб сақлашга катта эътибор берилган ва бунга мисоллар ҳисобсиз топилади. Боз устига бизда 1- ва 2-ренессанс юз берди ва бу ҳодисалар ҳам пойдеворсиз пайдо бўлиши мумкин эмас эди. Ҳар қандай даҳонинг етишиб чиқишида муҳитнинг алмаштирилмас ўрни борлиги маълум ва машҳурдир.

Биздаги музейлар 1920-йиллардан бошлаб рус музейшунослиги андозасида ташкил этила бошланган ва 1980-йилларга келиб яхлит бир тизим кўринишини олган, табиийки, ҳозир ҳам умумийликни кўплаб кузатиш мумкин ва албатта бундан фожеа ҳам ясаш шарт эмас.

Тарих ёритилганда турли воситалардан фойдаланилади ва жумладан, музейлар ушбу воситаларнинг энг олдинги қаторларида турибди десак, бу ҳам муболағасиз гап. Музейшунослардан бири “- Фақат музейдагина, Ватаннинг ўтмишдаги моддий ва маънавий маданияти силсиласини биратўла кўриш мумкин” деганида у том маънода ҳақ эди.

Музейлар бу ерда давлат ёки миллат тарихи ва маданиятини намойиш этиш билан бирга тарғиб ҳам қилади. Музейлар тармоғининг кўламини баҳолашда маълумот учун баъзи ўртача рақамларни келтиришимиз мумкин. Дунёнинг саноати ривожланган мамлакатларида ўртача ҳар 30 минг кишига битта музей тўғри келади. Жумладан, Европада 43 минг кишига битта музей тўғри келса, Лотин Америкасида 272 минг кишига битта тўғри келади. Давлат статистика қўмитасининг маълум қилишича, 2022 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистондаги давлат музейлар сони 127 тани ташкил этган. Умумий аҳоли сонини 36 млн киши деб олсак, 280 минг кишига битта музей тўғри келади дейишимиз мумкин

МДХ давлатлари бўйича таҳлил қилсак (маълумотлар ўртача 2021 ва 2022 йилга нисбатан олинган), Қозоғистонда 245 та музей бўлиб, 70 минг кишига битта, Қирғизда 36 та музей ҳисобга олинган ва 186 минг кишига битта, Озарбайжонда 50 та музей ва бу 208 минг кишига битта, Грузияда 253 та ва 14600 кишига битта, Беларусда 163та ва 56800 кишига битта, Россияда 3000 га яқин ва 48300 кишига битта, Эстонияда 250та ва 5330 кишига битта, Финландияда 1000 га яқин ва 5550 кишига битта, АҚШ да 35 мингдан ошиқ (2014 йил маъл.) ва 9500 кишига битта, Англияда 2500 та ва 27600 кишига битта, Францияда 1200та ва 55000 кишига битта музей тўғри келади.

Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган музейлар сони:

- Қорақалпоғистон Респ. – 4 та;
- Андижон вилояти – 2 та;
- Бухоро вилояти – 19 та;
- Жиззах вилояти – 7 та;
- Қашқадарё вилояти – 10 та;
- Навоий вилояти – 6 та;
- Наманган вилояти – 2 та;
- Самарқанд вилояти – 13 та;
- Сурхондарё вилояти – 8 та;

- Сирдарё вилояти – 1 та;
- Тошкент вилояти – 5 та;
- Фарғона вилояти – 17 та;
- Хоразм вилояти – 3 та;
- Тошкент ш. – 30 та.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистондаги музейлар сони 127 тани ташкил этиб, уларга 2021 йил давомида 5100,0 минг киши ташриф буюрган.

Музейлар қуйидаги ижтимоий функцияларни бажаради:

- Жамият ва табиий меросларни жамиятни ривожлантириш ва табиатни муҳофаза қилишни кўзда тутиб, ҳодисалар ва жараёнларни ҳужжатлаштириш функцияси хусусан, ҳужжатлар ва уларни сақлаш ҳамда тадқиқ қилиш;
- таълим ва тарбия функциялари;
- дам олиш ва коммуникатив функциялар;
- алоқа функцияси;
- ахборот, эстетик, иқтисодий ва бошқа функциялар.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Н. В. Кузина Основы музееведение Нижний Новгород 2015
2. А. М. Разгон ва Н. Р. Финягина. Моддий маданият ёдгорликларини ўрганиш ва илмий тавсифлаш.М., 1972.
3. Сапанжа О. С. Классификация музеев и морфология музейности: структура и динамика